

МУСУЛМОН ФАЛСАФАСИДА РАЦИОНАЛИЗМНИНГ ЎРНИ

Мажидова Ойсафар Умаровна

Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа ва мантиқ кафедраси

доцент в.б. фалсафа доктори (PhD)

Абдуллахўжаев Адхамхўжа Исахўжа ўғли

УзМу фалсафа йўналиши магистранти

Халқимизнинг илмий-фалсафий мероси Марказий Осиё худудида ислом динининг тарқалиши ва ривожланиши тарихи билан бевосита боғлиқ. Мустақиллик шарофати билан фалсафий-тарихий тадқиқотларни олиб бориш жараёнида мусулмон фалсафаси доирасида (айниқса, унинг ривожланишининг илк даврида) фалсафий ва диний муаммоларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги ҳамда улар бир-бирини тўлдирганлигини ҳаққоний ёритиш имкониятлари вужудга келди. VIII аср бошидан IX асргача Марказий Осиёда араб истилоси, маҳаллий халқларнинг арабларга қарши қўзғолонлари давом этиб келган. Рофи ибн Лайснинг Самарқандда кўтарган қўзғолони 810 йилда бостирилди, у Мовароуннахрдаги арабларга қарши қаратилган охириги қўзғолон ҳисобланади. IX асрнинг ўрталаридан бошлаб Маворуннахр ва Хуросонда ҳокимият маҳаллий ерга эгалик қилувчи зодагонлар кўлига ўтади ва 70-йиллар охирида мустақил Сомонийлар давлати шакллана бошлайди ҳамда шу вақтдан бошлаб Мовароуннахр

аҳолисининг мусулмон маданиятининг ривожланишида фаол иштирок эта бошлайди.

IX-XII асрларда Марказий Осиё халқларининг исломга асосланган янги маданияти тараққий этади, чунки исломдан аввалги бой маданият (диний китоблар, матнлар ва уларни сақловчи коҳинлар, умуман маҳаллий динлар – зардуштийлик, маздакийлик, буддавийлик, монийлик билан боғлиқ барча эҳромлар, бутлар ва бутхоналар, астадонлар ва ҳ.к) ислом ақидаларига тўғри келмаганлиги сабабли араблар томонидан бутунлай йўқ қилинди⁴⁷.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Марказий Осиёга кириб борган илк даврлардаги исломнинг диний тизим сифатида шаклланиши тугалланмаган эди. Бу жараён тўрт аср давом этади (VIII – XI асрлар) ва бу жараён турли миллатлар ва уларнинг ўзига хос маданиятларидан таркиб топган мусулмон маданияти, мусулмон цивилизациясининг тараққий этиши билан бирга кечади. “Ислом илоҳиётига доир адабиётнинг таҳлили исломнинг тугалланган диний тизим сифатидаги шаклланиши жараёни Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Кавказ орти ҳудудлари истило қилинганидан сўнг амалга ошади. IX-XI асрларда Қуръоннинг талқини, ҳадисларни тўплаш, шариат қонунларини ишлаб чиқиш жараёнлари шаҳарларда амалга оширилади (Эронда - Хамадон, Нишопур, Машҳад, Афғонистонда – Балх, Ҳирот, Ўрта Осиёда – Бухоро, Самарқанд, Термиз, Марв каби шаҳарларда)”⁴⁸.

⁴⁷ Ф. Сулаймонова “Шарқ ва Ғарб”.- Т.: Ўзбекистон, 1997.йил.

⁴⁸ Усманов М.А. Распространение ислама и его роль в истории Средней Азии // Из истории общественно-философской мысли и вольнодумия в Средней Азии.- Т.: Фан, 1991.- 24-бет.

Мовароуннаҳр вакиллари бўлган Муҳаммад ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийлар Бағдод академияси “Байт ул-ҳикма”га IX асрнинг 10-чи йилларида борадилар, “айнан шу вақтдан бошлаб Марказий Осиёда мусулмон маданиятининг мустақил тарзда ривожланиши, яъни маҳаллий халқлар маданиятининг янги босқичи... исломнинг Ўрта Осиё халқлари маданиятига таъсири ҳақида гап юритиш мумкин”⁴⁹.

“Исломга кирган янги минтақаларда, жумладан Мовароуннаҳрда илоҳиёт билан боғлиқ масалалар кескин тус олди. Чунки мазкур ҳудуддаги турк ёки суғдий элатлар ислом аҳкомлари ва талабларига риоя қилишга тайёр эмас эди. Бу эса, охир оқибатда, бир қатор исёнларга ҳам олиб келди. Булар Мовароуннаҳрда мустақил илоҳиёт анъаналарининг вужудга келиши учун заминни тайёрлади”⁵⁰.

Марказий Осиёлик мутафаккир ва алломалар мусулмон фалсафасини яратишда фаол қатнашдилар ва унга катта ҳисса қўшдилар. Исмоил Бухорий ва ат-Термизийлар машҳур ҳадис тўпламларини яратиб, ўз даврининг энг нуфузли ҳадисшунос ҳисобланганлар, Бурҳониддин Марғиноний машҳур шариат китоби “Ҳидоя”ни яратди ва Абу Лайс Самарқандий билан бир қаторда обрўли муфаккиҳ бўлганлар, аз-Замахшарий ва ал-Мотуридийлар калом илмининг буюк намояндалари бўлганлар, Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Синолар фалсафа ва фан ривожига қўшган хиссалари беқиёсдир.

⁴⁹ Усманов М.А. Ўша асар.- 20-бет.

⁵⁰ Зиёдов Ш.Ю. Абу Мансур ал-Мотуридий калом таълимотининг шарқ фалсафаси ривожига қўшган ҳиссаси // Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси.- Тошкент-Самарқанд, 2007.- 203-бет.

Ислом таълимотига биноан билим ҳақиқий эътиқоднинг зарурий шартидир. Билим ўрта аср мусулмон цивилизациясининг устувор кадриятидир. Мусулмонлар билимга ўз воқеликларининг олий қадрият сифатида муносабат билдирганлар, чунки у мусулмонлар маънавий ҳаётининг барча томонларида, уларнинг сиёсий ва диний фаолиятида, оддий мусулмоннинг кундалик ҳаётида ҳам ўз ифодасини топди.

Мусулмон маданиятининг илк даврларида барча муаммо ва масалаларни ҳал этишда ваҳий ва пайғамбар Муҳаммад тушунтиришлари, кейинчалик Қуръон, ҳадислар ҳамда саҳоба ва тобеъинлар обрўсига таяниш қабул қилинган эди. Шунинг учун илк мусулмончиликда анъанага, яъни Қуръон, Сунна, тақлидга таяниш устунлик қилган. Шу билан бирга бу даврда аввало шариат ривожланади. Шариат маъноси – тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчиликни англатади. Янги мусулмон жамияти учун жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш масаласи долзарб бўлган. Демак, илк мусулмон жамияти аввало ислом дини, шариатга асосланган қонун-қоидаларни ишлаб чиқади. Бу жараёнда ислом илоҳиётининг фикҳ соҳаси (мусулмон ҳуқуқшунослиги) пайдо бўлади. Фикҳ илмининг ривожланиш жараёнида шариат (фикҳ) мазҳаблари (ҳанафийя, маликийя, шофиъийя, ханбалийя ҳамда жафарийя) вужудга келади. Улар, ортодоксал ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, шариат масалаларида енгилроқ ёки жиддийроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Калом илмининг (мусулмон илоҳиёти, теологияси) ҳамда тасаввуфнинг ривожланишида ўзига хос рационализм жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва ундан фойдаланиш натижасида мусулмон маданиятида турли оқимларнинг пайдо бўлиши ва улар ўртасида ғоявий ҳамда сиёсий курашларга олиб келган. Мусулмон маданияти доирасида кейинчалик вужудга келган “соф” фалсафа асосида ақлга, шахсий фикрга таяниш, мустақил фикр юритиш, мантиқ ва рационализм ётади. Мусулмон маданияти доирасида вужудга келган фалсафа фани рационализм, фалсафий мушоҳада воситасида орттирилган билим бўлиб, унинг асосий манбаси янгича анланган ва талқин этилган Қадимги Юнон фалсафаси асосида шаклланди. Файласуфлар, айниқса Абу Наср Форобий фалсафий тизимида, дин ва фалсафа, билим ва имон уйғунлигини, синтезини яратишга интиланлар⁵¹. Бу жараён кейинчалик ўрта асрларда Ғарбий Европада ҳам кузатилади.

Шундай қилиб, асосини ислом дини ташкил этган жамиятда шакланган фалсафа ёхуд мусулмон фалсафаси таркибига барча у ёки бу даражада рационализмга таянган илмларни киритиш мумкин. Демак мусулмон фалсафаси асосини калом, фалсафа ва тасаввуфни киритиш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

⁵¹ Шаймухамбетова Г.Б. Проблема генезиса средневековой арабской философии и современная идеологическая борьба // Философское наследие народов Востока и современность.- М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1983.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.- Т.: Ўзбекистон, 1997.

2. Усманов М.А. Распространение ислама и его роль в истории Средней Азии Из истории общественно-философской мысли и вольнодумия в Средней Азии.- Т.: Фан, 1991.- 24-бет.

3. Зиёдов Ш.Ю. Абу Мансур ал-Мотуридий калом таълимотининг шарқ фалсафаси ривожига кўшган ҳиссаси // Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссаси.- Тошкент-Самарқанд, 2007.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/040>

ISLOM DINI AXLOQ – ODOB QOIDALARI VA GENDER TENGLIK TAMOYILI UYG‘UNLIGI

Axmedov Shaxrux Akbar o‘g‘li

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti Ijtimoiy fanlar
fakulteti Falsafa yo‘nalishi II bosqich talabasi

Ilmiy rahbar: falsafa doktori (PhD) Xidirov Mustafó Toyirqulovich

ANNOTATSIYA

Bugungi kunda ilm olish, turli yo‘nalishlarda tadqiqotlar amalga oshirish va olingan bilimlarni hayotga joriy etishga bo‘lgan e‘tibor yanada ortdi. Buyuk ajdodlarimizdan biri, odil podshoh, astronom Mirzo Ulug‘bek Buxorodagi madrasa peshtoqiga “Ilm olish har bir mo‘min va muslima uchun farzdir”